

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

МИЗДАКХОН ТОПОНОМИКАСИ ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИГА БОҒЛИҚМИ

Р.Ж. Базарбаев

*Тарих фанлари доктори, доцент.
Ажсиниёз номидаги НДПИ Тарих
ўқитиш методикаси кафедраси*

Тарих—муаллим, назоратчи, маънавий ва моддий бойликларнинг манбаи. Бугун тарих бутун жамиятнинг кўзгуси эканлигига мисоллар етарли.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: «Биз маънавий хазинамизни қай даражада кўп ўргансак, бугунги кунда бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб қилсак, халқимиз, айниқса ёшларимиз бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг кадрини англаб етади» деган фикрлари бизни қорақалпоқ элидаги қадим зардуштийликнинг айрим қирраларини тадқиқ қилишга ундади.

Инсоният тарихининг бурилиш даврида ижтимоий масъулиятни англаган инсонлар ўз тарихини, маънавий-маданий мерослари хазинасини ўрганишга талпинади, ундан кувват олишга уринади. Бу эса ҳар бир халқнинг ўз тарихидаги ўрнини излашга, миллатнинг кечаги кунини, яъни унинг «ернинг ёриғидан чиқмаганлигини» далиллашга асос бўлади.

Бунинг ёрқин мисолини мустақиллик шарофати билан элимизда сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий янгиланишларнинг тафаккуримизга бевосита таъсир этиб, онгимизни «қитиқлаб», асл наслимизнинг ким эканлигига диққат қаратганимиздан билиш мумкин. Ушбу муносабат билан Ислом Каримовнинг «Ҳар бир халқ, шу жумладан, ўзбек халқи тарихи ҳам бетакрор. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз қадим Хоразм тупроғида, «Авесто» пайдо бўлган замонлардан бери ўз турмуши, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади» деган сўзи албатта, қорақалпоқ халқига ҳам тегишли бўлиб, унинг зиёлиларига халқининг кимлиги, ўтмиши олдинги маданияти, маънавий мерослари тарихий қадриятларини ўрганишга ва ёшлар тарбиясида тутган ўрнига эътибор қаратишга йўл очди.

Ўзбек халқи ва унинг ажралмас қисми бўлиб келган қорақалпоқлар давлатчилигининг асоси бўлган қадимги Хоразм ўзининг буюк маданияти ва бой тарихи, инсонпарварлиги, дунёвий ва диний, фалсафий кўз қарашларининг дунё ҳамжамиятида тан олинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу муносабат билан бизлар,

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

2003 йили академик Ж.Базарбаев, тарих фанлари номзоди, профессор Ғ.Хожаниязов, тарих фанлари номзоди, доцент Р.Ж.Базарбаевлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан эълон қилинган «Жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қайта тиклаш, тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғунлаштириш асосида ёш авлодни тарбиялаш» атамасидаги илмий муаммо бўйича танловда «Қадимги Окс дарёси қуйи оқимидаги Зардуштийлик динининг излари» деган мавзуда грант лойиҳасида қатнашиб ютиб олган эдик.

Бу тадқиқотда аввал ўрганилган археологик материаллар ва ўзимизнинг этнографик тадқиқотлар, шунингдек, «Авесто» китобини чуқур ўрганиш натижасида, ҳудудимизда ҳозирги кунда ҳам Зардуштийлик дини изларининг яққол кўриниб турганлигини аниқлашга эришдик. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да халқимиз иродасини акс эттирувчи тасаввурлар, анъаналар, тилимиздаги айрим ифодалар, топонимлар, жой номлари, халқимиз тасаввуридаги айрим эътиқодлар, фольклордаги ўхшаш воқеалар учрайди. Ўлкадаги олтмишдан зиёд археологик ёдгорликларда зардуштийлик атрибутларининг топилиши, қадим боболаримизнинг дини ва руҳиятининг теран илдизлари акс эттирилган. Ҳудудда Зардуштийлик пайдо бўлгандан буён қанча қабилалар, халқларнинг ўтганлиги ва тақдир тақозаси билан мазкур мероснинг янги қирраларини очишга ҳиссамизни қўшганимиздан ғурурландик.

Шунингдек, боболаримиз бизга қолдирган бу бебаҳо меросни янада чуқур ўрганиб, унинг маънавий тарбия воситаси эканлигини, миллий ғояни шакллантириш ва ёшлар онгига сингдиришдаги аҳамиятини кўрсатиш баробарида, элимизда Зардуштийлик излари бўйича туризм маршрути ташкил қилиб, дунё халқларининг диққатини қаратиб туристлар оқимини пайдо қилиш катта обрў бўлиш билан бирга иқтисодий фойда эканлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Ана шуларнинг илмий ва амалий аҳамияти акс этган «Эйёмги Окс дарьясының төмениндеги Зардуштлик дининиң излери» номли монография эълон қилинди. (Нөкис, Қарақалпақстан, 2007)

Афсуски, элимиз тарихчилари бу янгича кўз қарашимизга диққат қаратмади. Биз илгари сурган Хўжайлидаги Назлимхан сулув ёдгорлиги Зардуштийлик худоси Маздах номига бағишлаб қурилган бўлиши керак деган фикримизни ё қўлламади ёки инкор қилмади. Тарихчилар уни ўрта аср ёдгорлиги деган фикрда туриб олди. Шу сабабли биз бу масалага жамоатчилик диққатини қайтадан қаратишни маъқул кўрдик.

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Тарих ҳам одамга ўхшайди. Уни таний бошлаганда ундаги машхур ёдгорликларнинг номи, воқеаларнинг рўй берган вақти, ҳодисалар изма-излиги, яъни хронологияси биринчи ўринда туради. Шундай экан, Миздахқан деган сўз маъносининг Назлимхан сулув деб аталиш сабаби не учун тарихчилар назарида бўлмаган, деган масала бизни, айниқса, қизиқтирди.

Буни ечиш учун биз энг аввало зардуштийликнинг бош худоси Ахура Мазда сўзига диққат қаратдик. «Ахура» сўзи паҳлавий тилида «сардор», «буюк» деган маъноларда қўлланар экан. «Авесто»ни паҳлавий тилидан ўгирганлар уни «худо» деб олиб, унга Мазда сўзини қўшган ва «Худо Мазда», яъни Ахура Мазда деб келтирган. Авестонинг асл нусхасида ўша иборанинг ёзилиши Ахрух Маздах деб кўрсатилган. Шунингдек, ўрта аср араб, форс ёзма манбаларида ҳам Миздахқан деб ёзилган. Масалан, Ибн Рустада, Истахрда, Мандишда, форс тилидаги «Худуз ал-амал» номли асарда шаҳар номи Миздахқан шаклида эмас Миздахқан деб берилган [1] С.П.Толстов жанубий Орол бўйларида зардушт даврларига тегишли бўлган кўпчилик овул ва қалъаларнинг, тўғонларнинг номлари Мазда билан боғлиқ деб кўрсатади [2]

Шундай экан, Мазда худосининг номи қандай Миздахқан бўлиб кетганига эътибор қаратсак, аввалдан истеъмолда бўлган Миздахни Миздахқанга ўзгартиб, биринчи марта фанга киритган академик Бартольд экан [3]. У машхур шарқшунос сифатида ҳеч қандай исботсиз эълон қилиб юборган. Бу ҳодисани 1928-1929 йиллари биринчи бўлиб ёдгорликни тадқиқ қилган А.Ю.Якубовский, ундан кейин бошқа олимлар қабул қилган [4].

Ана энди Миздахқан ёдгорлигининг пайдо бўлиш даврига келсак. Унинг келиб чиқиши ҳам академик Бартольд номи билан боғлиқ. Бизнинг Республикамиздаги Амударё қуйи оқими археологик ёдгорликларининг тадқиқи 1928-1929 йилларда Санкт-Петербург университети олимларининг экспедициясидан бошланган. Бу борада иш олиб борган академик Бартольд Миздахқанни араб-форс ёзма манбаларига таяниб, у ўрта асрда пайдо бўлган қалъа деган хулосага келган [5]. Бироқ атоқли тарихчи А.Якубовскийнинг шу муносабат билан, «Миздахқан комплекси қадимги даврларга оид маданий қатламларга эга ва унда Зардуштийлик ёдгорликларининг борлиги остодон (ассуарий) топилмалари билан исботланади» деган фикри [6] ҳисобга олинмасдан, унинг Зардуштийлик дини шарафига солинган Мазда худосига боғлиқлиги эътибордан четда қолиб, ўрта аср ёдгорлик бўлиб қолаверган. Ажабланарлиси, Миздахқан деган ном қандай маъно англатишига ҳеч ким диққат қаратмаган

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Бу фикрдан фойдаланиб А.Ю.Якубовский, Б.Н.Засыпкин, В.Н.Ягодин, Т.А.Пугаченковалар иморат XIV асрнинг биринчи ярмига тегишли деса, Х.Есбергенов эса ёдгорликнинг бунёд бўлиш вақтини IX-XI асрга оид деб тасдиқлайди [7].

Миздахқан комплексига кирувчи Гауир қалъа бизнинг эрамизгача IV асрдан эрамизнинг XIII асригача қад кўтариб турган бўлса, атоқли араб географи ал-Мақдусидин кўрсатишича 985 йили Миздахқан ўзининг катталиги бўйича Қиёт, Гурганж каби Хоразм давлатида учинчи қалъа бўлганини тасдиқласа [8] унда мазкур ёдгорлик пайдо бўлиши ҳақидаги юқорида кўрсатилган олимлар фикрларининг ноҳолис эканлигидан гувоҳлик бермайдими?

Бизнинг фикримизча, Миздахқан сўзининг пайдо бўлиши давр таъсири билан алоқадор бўлса керак. Унга оид комплексдаги ёдгорликларнинг барчаси Зардуштийлик динига тегишли эканлигини ҳеч ким рад қилмаган. Тарихчиларнинг фикрича, комплексдаги Жомарт қассоб Ахура Мазданинг яқини, Шамун Набий унинг боласи бўлса, у Ахура Мазданнинг душмани Ахриманнинг деви билан жанг қилса ва хотини унга сотқинлик қилса, аммо уни ити қутқариб унинг итялоғи авайланса ва ўша итялоқ ҳозиргача сақланса, шу муносабат билан «Ит вафо, хотин жафо» деган қорақалпоқ мақоли пайдо бўлиши ва буларнинг барчаси Мазда худоси ғоясига мос келса, девлар билан кураш тарихий воқеа бўлиб, унинг излари фольклорда ҳанузгача акс этса ва бу жараённи акс эттирувчи ёдгорликлар элимизда бор бўлса, Миздахқаннинг ҳақиқий исми Маздах бўлса ва ниҳоят, С.П.Толстовнинг Зардуштийлик даврида Жанубий Орол бўйларидаги кўпгина жойлар Мазда худосининг номида бўлса, нега энди Хўжайли шаҳридаги Зардуштийлик комплекси орасидаги ўша ёдгорлик Мазда худоси номида эмас? Ундай бўлмаслиги мантикқа ҳам, ақлга ҳам тўғри келмайди. Ҳақиқатан ҳам, неча аср аввал Зардуштийлик худоси номига қурилган ёдгорлик даврининг, Александр Македонский, араблар, Чингизхоннинг зарбаларига учраб, уларнинг Маздани Миздахқанга ўзгартиргани бежиз эмас. Бу «Ким элимизга қилич билан келган бўлса, улар Зардуштийлик асосларини йўқ қилишга уринди» деган И.Каримовнинг оқилона сўзларига тўғри келади.

Шунингдек, Миздахнинг Миздах бўлиб ўзгаришида Миздах номига туркийча «хон» сўзи кўшилишининг таъсири ҳам бўлиши сўзсиз. Сабаби бошқа нотуркий тилларда хон сўзи учрамайди. Унинг Назлимхан сулув деб аталиб кетиши яқин даврларга тўғри келиб, одамзотнинг аёл гўзаллигига нисбатан муҳаббат

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

тимсолидан пайдо бўлган дейиш мумкин. Унинг исботини Назлимхан сулув ҳақида тўпланган севги афсоналаридан ҳам кўриш мумкин.

Тарих чамбараги кетма-кетлиги одамзот умри қатламларининг бири устига иккинчисининг ямалиб боришидир. Демак, Маздах худоси шарафига солинган ҳозирги Назлимхан сулув ёдгорлигида ҳам ана шу тарихий қонуният акс этгани сезилади. Бунинг тўғрилигини атоқли этнограф Х.Есбергенов комплексдаги Зардуштийлик қабристонида (юзга яқин остадонлар топилган) ислом анъаналари бўйича дафн қилиш, ундан сўнг ҳозирги дафн маросимларининг белгилари бор эканлигини исботлаган.

Фикримизча, тарихчиларнинг бу фактларни «пайқамаслиги» тарихда ном қолдирган атоқли шахслар айтган фикрларга сўзсиз ишонавериш одатига боғлиқ деб қараш мумкин. Шунингдек, кечаги тоталитар тузум даврида зиёлиларимизнинг тўғри ё нотўғри бўлсин Ғарбдан, биринчи навбатда Россиядан андоза олишга уриниши ва улар фикрига суянишга ҳамда қарши бормасликка тиришганлиги оқибатидир. Мабодо қарши бориб ҳақ гапни айтса-да, барибир инобатга олинмай, уни айтган олим четлатилиб қувғинга учрарди. Бу одат натижасида тарих сохталаштирилиб баён қилинди. Натижада бу жараён Мазда худоси шарафига қурилган ёдгорликка ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Шунинг учун ҳам боболаримиз қолдирган меросларини тўздириб, ҳар хил таъсирларга ишониб, ўзимизнинг фикр дунёимизнинг торлиги сабабли уларга қайта жон ато қилмасдан, катта фойда-ю обрўдан маҳрум бўлишимиз биз зиёлиларга ярашмайди.

Бу жадал ҳаракатда Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг 1998 йили республикамиз тарихчилари билан учрашувида «Биз қачонгача тарихимизни бировларнинг кўз-қараши билан баҳолаймиз», деган пурҳикмат гапи амал қилишимиз зарур.

Маздахқан, Авесто умумхалқ мероси. Икки минг йилдан ортиқ даврда бу маконга кимлар келмади, кимлар яшамади. Шу сабабли уни бир халқнинг мероси деб кўрсатиш тарихга хилофлик бўлар эди. Бу тўхтовсиз жараён, бу дунё цивилизациясининг бир бўғини, унинг эгаси инсон, дунё ҳамжамияти. Мазкур маданий ва маънавий бойлик, шу элда ҳозир яшайдиган халқнинг улуши, қабул қилиб олган хазинаси бўлиб, уни баралла айтишга тортинишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам олдинги тарихчиларнинг фикрларига танқидий ёндашиб, Миздахқан ёдгорлиги Зардуштийлик Мазда худосининг шарафига қурилган ёлғиз ёдгорлик эканлигини дунёга эълон қилиб ва жар солиб, Санк Петербургдаги

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Эрмитажга 1928 йили олиб кетилган «итялоқни» қайтариб, дунё нигоҳини Ўзбекистонга, унинг таркибий қисми Қорақалпоғистонга қаратиш ва чалкашликларни бартараф қилиб, ўз фойдамизга юмшаш давр талаби.

Умуман, биз ўзимизнинг археологик ёдгорликларимиздан тўлиқ фойдаланмаётганлигимиз дунё олимларини ҳайрон қолдиради. Ўлкамизда қадимда пайдо бўлган ёдгорликларни тадқиқот бўйича 1991 йили ЮНЕСКО шафелигида ташкиллаштирилган экспедиция аъзолари биздаги ёдгорликларни кўриб жуда ҳайрон қолгани маълум. Масалан, Синегаллик олим Диене Дуду «Сизнинг ўлкангиз, унинг ёдгорликлари ўзининг оригиналлиги ва ўзгачалиги билан мени лол қолдирди» деса, япон олими Хироси Ясуда «Сизларнинг ота-бобонгиз иқтидори ва маҳоратининг гувоҳи бўлган ажойиб архитектуравий ёдгорликларингиз мени ҳайрон қолдирди. Шу билан бирга уларнинг бугунги ачинарли ҳолати ҳам мени қаттиқ қийнади. Сизларнинг ҳар босган оёғингиз остида бебаҳо бойлик ётибди, бироқ уни сезмайдиганга ўхшайсиз. Мабодо бундай ёдгорликлар Японияда бўлганида, улар табиат таъсиридан химояланиб, усти ёпилиб, атрофи тўсиб қўйиларди. Тадқиқот натижасида чиққан тупроқлар эса пулга айлантирилар эди» [9] дейди.

Дунёга машхур тарихчи С.П.Толстов «Икки улуғ дарё (Амударё ва Сирдарё) оралигида жойлашган ҳудудни Ўрта Осиёнинг Египети» деб атаса, атоқли Франция археологи, профессор Пьер – Мерни: «Бошқа ҳудудларда қадимги қалъаларни қазиб чиқариб юрсак, сизларда улар ернинг бетида тадқиқотга тайёр турибди. Шунинг учун ҳам ўлкангиз чин маънода очиқ осмон остидаги музей эканлигига гумон туғдирмайди» деб тасдиқлаган эди.

Умуман олганда, боболаримиз бизга қолдирган Зардуштийлик динининг бор бўйи бастини, савлатини кундалик турмушимизда тўлиқ фойдаланиб, тарихий аҳамиятини далиллаб дунёга танита олмаслигимиз бизлар учун кечирилмас воқеа.

Бу ажойиб ёдгорликлар орқали Қорақалпоғистонда туризмни ривожлантириб кўп сонли моддий ва маънавий фойда тушириш учун «Қадимги Хоразм Зардуштийликнинг ватани» «Миздахқан Мазда худосининг шарафига қурилган» деган шиорлар остида ишларни ташкил қилиш ҳозирги куннинг бевосита талаби.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда элимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган диққат ва ғамхўрлик кучайди. Хурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 18 июлдаги «Туризм ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонун»и бўйича Қорақалпоғистонда ҳам кўп самарали ишлар йўлга қўйилаётганлиги маълум. Лекин бу эзгу ишларга

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIY KONFERENCIYA MATERIYALLARI

тарихчиларимизнинг аралашиси утишмаяпти десак, нотўғри бўлмас. Элимизда туризмни ривожлантириш бўйича бизнинг бой тарихимиздан фойдаланишда, унга дунё диққатини тортишда биз сўз юритаётган Зардуштийлик дини ёдгорликларининг эътиборсиз қолиши бизлар учун тўғри воқеа эмас. Бу масалада республикамизда янги туризм йўналишини очиб, республикамизнинг туризм потенциалини кўтиш, чет эл туризм йўналишида ташвиқот ва тарғибот ишларини ташкил қилиш эл бошчимизнинг бевосита талаби. Бу мақсадда Зардуштийлик излари бўйича мазмунли экскурсия материалларини тайёрлаш, нимани кўрсатиш керак, нимани айтиш керак, нимага диққат қаратиш керак, нима билан мақтаниш керак каби саволларга тўла жавоб берадиган илмий материаллар тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама ташвиқот хизматига қўйсақ ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Бизнинг улуғ тарихимиз бор, улуғ келажагимизни курадиган замон келди» деган доно кўрсатмасини амалга оширишга бел боғлаган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. МИТТ 1939. -С.150,179,181, 187,216
2. Толстов.С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. - М.: 1948. -С. 128-129.
3. Бартольд.В.В. Асарлар. 1том. 204 варақ. www.librams.ru
4. Якубовский.А.Ю. Городище Мизхакхан //Записки коллегии востоковедов при Азиатском музея Академии наук. СССР Т.V -.Л.: 1930.
5. Базарбаев. Ж. Ходжаниязов Ғ., Базарбаев Р. Қадимги Окс дарьясының төмениндаги Зардуштийлик дининиң излери. - Нукус, Қорақалпоғистон, 2007. - 113 бет.
6. Ходжаниязов Ғ. Назлымхан сулыў //Арал кызлары. Журналы.1992. №2., 7-бет.
7. «Устаз жолы» газетасы. 13.02.2014.
8. Бартольд.В.В. Асарлар. 1том. 204 варақ. www.librams.ru
9. Якубовский. А.Ю. Городище Мизхакхан – записки коллегии востоковедов при Азиатском музея Академии наук. СССР Т.V.Л. 1930. 553-в